



**“Тасдиқлайман”**

**Фарғона ихтисослаштирилган  
маком мактаб интернати директори:**

**У.В.Мамаджанов**

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун**

## **ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Фарғона-2022**

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

# ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Миллий чолгу созлари ҳамда фортепиано олиш учун
- 1.2. Танлов охирги қиймати **409 600 000** сум . Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.  
**Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**
- 1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 40 иш кун.
- 1.5 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. **Фарғона ихтисослаштирилган мақом мактаб-интернати** , (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.  
“Буюртмачи” манзили:, **Фарғона шаҳри Унверситет кучаси 33 уй**  
Эл.адрес:
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади
- 2.3. Танлов - “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:  
танлов предмети қийматининг камида 10 фоизи миқдордаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;  
шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;  
танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;  
ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- 3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.
- 3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:  
қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

- 4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.
- 4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.
- 4.3. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Куйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича куйидаги таклифлар:

- Техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва мухрланган ҳолда;
- Техник ҳужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар руйхати илова қилинади);

- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тулдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

## II. Техник қисм

№	Товарнинг номи	Улчов бирлиги	Миқдори
1	Пюпитр (подставка для нот). Стандартный, Чёрного цвета,	Шт	20
2	Қашқар рубоби. Анъанавий, профессионал-мақом қашқар рубоби. Размери стандарт. Косаси ўйма, тут дарахти ёғочидан Камида 5 йил сақланиб қуритилган. Дастаси ўрик дарахти ёғочидан. Камида 5 йил сақланиб қуритилган. Ранг морилка бўёғи билан буялган. Ранги устидан НЦ нитролак суртилган. Дастадаги товуш пардалари Латун симдан тайёрланган, Коса шохининг гули ва дастаси нукталари сифатли садафдан ишланган. Қулоқлари ўриқдан тайёрланган. Косаси Лаққа балиқ терисида қопланган. Торлари (симлари) 0.22 ва 0.30 пўлат симдан тортилган. Бир дона бае сими йугон леска билан тортилган.	Шт	10
3	Дутор. Анъанавий, профессионал-мақом дутори. Косаси тут дарахтидан. Бугиз қисми тут ёки ёнғокдан, дастаси ўриқдан қопқок қисми қуйдирилган тутдан. Камида 5 йил сақланиб қуритилган хомашёдан тайёрланиши шарт. Косахонаси 46x22 бўлиши керак. Мензураси 1000 мм бўлиши керак. Қўвургаларининг орасига ёғочдан плита ёпиштирилган. Ранги тўқ жигар ранг бўлиб, НЦ лак билан енгил қопланган бўлиши керак. Даста қисми умуман лакланмаган фақатгина бўёк бўлиши керак. Қулоқлари ўрик ёки ёнғок ёғочидан бўлиши лозим. Торлари ичак ёки инақдан 07 лик бўлиши керак.	Шт	10
4	Ғижжак. Анъанавий, профессионал-мақом ғижжағи. Размери стандарт. Косахонаси ёнғок, ўрик ёки тут ёғочидан бўлади. Даста қисми ўрик ёғочидан ясаллади. Мензураси 330 мм бўлиши шарт. Косаси Балиқ териси билан қопланган. Қулоқлари ўрик ёғочдан, косахонаси садаф билан безатилган бўлади. Тиркач қисми латун металдан ясалган бўлиши керак	Шт	10
5	Дойра. Профессионал "эгма" дойра. Гардиш диаметри 37-38 см. Оғирлиги 1.2-1.8 кг. Гардиши Заранг ёки Акация ёғочидан Қуритиб ишлов берилган. Гардишга латун ёки мие туникасидан балдок қокилади. 1.6-1.8 ли темир симли зулфинга 1.6-1.8 ли темир листдан ишланган жарангдор халқалар илинган. Ошланган бузоқ териси билан қопланган.	Шт	10
6	Уд. Профессионал Турк уди. Размери стандарт. Комплект гилофи билан	Шт	8
7	Най. Анъанавий, профессионал най. Бамбук хомашёсидан ясалган. Узунлиги 45-55 см, диаметри 17-27 мм бўлади. Бамбук материали талдабга жавоб бериши ва товуш сози яхши чиқиши керак.	Шт	8
8	Қўшнаёй. Профессионал қўшнаёй. Узунлиги 20-25 см. Қамишдан ясалган. Хар икки найчасининг уетки қисмида 5-7 см. узунликдаги тил қисми жойланади ва 7 та тешиги бўлади.	Шт	4
9	Чанг. Анъанавий, профессионал-мақом чанги. Ёғочлари ёнғок дарахтидан, қопқок қисми ель (Қора қарағай) ёғочидан бўлиши керак. Камида 5 йил сақланиб қуритилган хомашёдан	Шт	10

	тайёрланиши шарт. Қопқоқ устида “разетка” тешиклари бўлиши керак. Ўлчами: трапеция шаклининг тор қисми узунлиги 42,5 х 43 см, кенг қисми узунлиги 56х ёки 58 см бўлиши лозим. Симларни баландлиги 30 мм ёки 32 мм бўлиши керак. Ранги тўқ жигарранг бўлади. Оёқлари узунлиги 65х67 см. бўлиб, мувозанатни сақлашга мос бўлиши керак.		
10	Қонун. Профессионал қонун. Размери стандарт. Корпус оқ қайин ёғочидан тайёрланади. Камида 5 йил қуририлган. Устки қисми оқ қайин фанераси ва ёнғоқ шпонидан, остки қопламаси оқ қайиндан. Ошланган мол терисидан қопланган. Торлари (симлари) 06-07-08-09 ли лескалардан. Парда ва нимпардалари темирдан. Қулоқ ва калити мис ва латундан. Безаги қўлда ўйиб туширилган. Ранг морилка бўёғи билан бўялган. Ранги устида НЦ нитролак суртилган.	Шт	7
11	Танбур. Анъанавий, профессионал-мақом танбури. Коса қисми тут ёғочдан 32х13 ёки 13,5 бўлиши керак. Даста қисми ўрикдан камида 5 йил қуририлган бўлиши керак. Қопқоқ қисми бутун тут ёғочдан ва куйдирилган бўлиши лозим. Камида 5 йил қуририлган хомашёдан бўлиши шарт. Қулоқлари ёнғоқ ёки ўрикдан бўлиши, даста қисми бўялади лекин лакланмайди. Коса қисми эса тўқ жигарранг бўёқ билан бўялган бўлиб НЦ лак билан енгил қопланган бўлиши лозим. Қопқоқ қисми умуман лакланмаган.	Шт	12
12	Электронное, цифровое фортепиано. Молоточковая клавиатура. Материал клавиатуры АБС-пласт. Материал отбойного молотка железный противовес. 88 клавиш. Цвет чёрный. Встроенная подставка для нот. Полифония 128. Метроном. Двойные стерео колонки. 3 педали.	Шт	9
х	Жами:	х	Х

### III. Нархлар қисми

	Товарнинг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси
1	Пюпитр (подставка для нот). Стандартный. Чёрного цвета.	Шт	20	280000	5 600 000
2	Қашқар рубоби. Анъанавий, профессионал-мақом қашқар рубоби. Размери стандарт. Косаси ўйма, тут дарахти ёғочидан. Камида 5 йил сақланиб қуритилган. Дастаси ўри дарахти ёғочидан. Камида 5 йил сақланиб қуритилган. Ранг морилка бўёғи билан буялган. Ранги устидан НЦ нитролак суртилган. Дастадаги товуш пардалари Латун симдан тайёрланган. Коса шохининг гули ва дастаси нуқталари сифатли садафдан ишланган. Қулоқлари ўрикдан тайёрланган. Косаси Лаққа балиқ терисида копланган. Торлари (симлари) 0.22 ва 0.30 пўлат симдан тортилган. Бидона бас сими йўғон леска билан тортилган.	Шт	10	4200000	42 000 000
3	Дутор. Анъанавий, профессионал-мақом дутори. Косаси тут дарахтидан. Буғиз қисми тут ёки ёнғокдан, дастаси ўрикдан копоқ қисми қуйдирилган тутдан. Камида 5 йил сақланиб қуритилган хомашёдан тайёрланиши шарт. Косахонаси 46x22 бўлиши керак. Мензураси 1000 мм бўлиши керак. Қўвурғаларининг орасига ёғочдан плита ёпиштирилган. Ранги тўқ жигар ранг бўлиб, НЦ лак билан енгил копланган бўлиши керак. Даста қисми умуман лакланмаган фақатгина бўёк бўлиши керак. Қулоқлари ўрик ёки ёнғок ёғочидан бўлиши лозим. Торлари ичак ёки ипақдан 07 лик бўлиши керак.	Шт	10	3000000	30 000 000
4	Ғижжак. Анъанавий, профессионал-мақом ғижжаги. Размери стандарт. Косахонаси ёнғок, ўрик ёки тут ёғочидан бўлади. Даста қисми ўрик ёғочидан ясалади. Мензураси 330 мм бўлиши шарт. Косаси Балиқ териси билан копланган. Қулоқлари ўрик ёғочдан, косахонаси садаф билан безатилган бўлади. Тиркач қисми латун металдан ясалган бўлиши керак.	Шт	10	3200000	32 000 000
5	Дойра. Профессионал “эгма” дойра. Гардиш диаметри 37-38 см. Оғирлиги 1.2-1.8 кг. Гардиши Заранг ёки Акация ёғочидан. Қуритиб ишлов берилган. Гардишга латун ёки мис туникасидан балдоқ қоқилади. 1.6-1.8 ли темир симли зулфинга 1.6-1.8 ли темир листдан ишланган жарангдор халқалар илинган. Ошланган бузоқ териси билан копланган.	Шт	10	2300000	23 000 000
6	Уд. Профессионал Турк уди. Размери стандарт. Комплект ғилофи билан	Шт	8	4200000	33 600 000
7	Най. Анъанавий, профессионал най. Бамбук хомашёсидан ясалган. Узунлиги 45-55 см, диаметри 17-27 мм бўлади. Бамбук материали талабга жавоб бериши ва товуш сози яхши чиқиши керак.	Шт	8	1200000	9 600 000
8	Қўшнаё. Профессионал қўшнаё. Узунлиги 20-25 см. Қамишдан ясалган. Хар икки найчасининг устки қисмида 5-7 см. узунликдаги тил қисми жойлашади ва 7 та тешиги бўлади.	Шт	4	1000000	4 000 000
9	Чанг. Анъанавий, профессионал-мақом чанги. Ёғочлари ёнғок дарахтидан, копоқ қисми ель (Қора қарағай) ёғочидан бўлиши керак. Камида 5 йил сақланиб қуритилган хомашёдан тайёрланиши шарт. Қопкоқ устида “разетка” тешиклари бўлиши керак. Ўлчам: трапеция шаклининг тоқ қисми узунлиги 42,5 x 43 см, кенг қисми узунлиги 56x ёки 58 см бўлиши лозим. Симларни баландлиги 30 мм ёки 32 мм бўлиши керак. Ранги тўқ жигарранг бўлади. Оёқлари узунлиги 65x67 см. бўлиб, мувозанатни сақлашга мос бўлиши керак.	Шт	10	8000000	80 000 000
10	Қонун. Профессионал қонун. Размери стандарт. Корпус оқ		7	3400000	23800000

	<p>қайин ёғочидан тайёрланади. Камида 5 йил куритилган. Устки қисми ок қайин фанераси ва ёнғок шпонидан, остки қисми ок қайиндан. Ошланган мол терисидан копланган. Торлари (симлари) 06-07-08-09 ли лескалардан. Парда ва нимпардалари темирдан. Қулоқ ва қалити мис ва латундан. Безаги қўлда ўйиб туширилган. Ранг морилка бўёғи билан бўялган. Ранги устидан НЦ нитролак суртилган.</p>	Шт			
11	<p>Танбур. Анъанавий, профессионал-маком танбури. Коса қисми тут ёғочдан 32x13 ёки 13,5 бўлиши керак. Даста қисми ўрикдан камида 5 йил куритилган бўлиши керак. Қопқок қисми бутун тут ёғочдан ва куйдирилган бўлиши лозим. Камида 5 йил куритилган хомашёдан бўлиши шарт. Қулоқлари ёнғок ёки ўрикдан бўлиши, даста қисми бўялади лекин лакланмайди. Коса қисми эса тўқ жигарран бўёк билан бўялган бўлиб НЦ лак билан енгил копланган бўлиши лозим. Қопқок қисми умуман лакланмаган.</p>	Шт	12	3000000	36 000 000
12	<p>Электронное, цифровое фортепиано. Молоточковая клавиатура. Материал клавиатуры АБС-пласт. Материал отбойного молотка железный противовес. 88 клавиш. Цвет чёрный. Встроенная подставка для нот. Полифония 128. Метроном. Двойные стерео колонки. 3 педали.</p>	Шт	9	10000000	90 000 000
х	<b>Жами:</b>	х	Х	х	<b>409 600 000</b>